

Ш

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 334.722: 504.03

АХУНОВА ШОХИСТАХОН НОМАНЖАНОВНА

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ МЕХАНИЗМИ

Ихтисослик: 08.00.04 – «Микроиқтисодиёт»

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини

олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Иш. № 90/450

«02» 11 2004г.

Тошкент – 2004

334.45(043.3)  
А 98

Диссертация Наманган мухандислик-педагогика институти «Менежмент»  
кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори,  
профессор Икрамов Мурат Акрамович

**Расмий муҳолифлар:** иқтисод фанлари доктори,  
профессор Саматов Гаффор Аллакулович

иқтисод фанлари номзоди,  
доцент Ибрагимов Адхам Хусанович

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ҳимоя Тошкент давлат техника унiversитети хузуридаги К.067.07.06  
рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2004 йил «30» ноябр соат 14<sup>00</sup> да  
ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700095, Тошкент, Университет кўчаси, 2.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «29» октябрда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди,  
доцент



А. Турсунов

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Агар жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни жамлаш ҳолати кузатилган бўлса, иккинчи ярмидан бошлаб эса унинг акси, яъни кичик бизнесни ривожлантириш ҳолати кузатилмоқда. Чунки тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни рағбатлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорлар синфининг ўрнисиз амалга ошириб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб келмоқда. Кичик ва ўрта бизнес ҳар қандай ривожланган давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланиб, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ярмидан ортигини шу соҳа беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида, айниқса, кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Республикамиз Президенти И.Каримов ўзларининг нутқларида ушбу муаммога қуйидаги фикрни билдириб ўтганлар: «Биз, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳволи фаровонлиги ва даромадлари ортишида, илсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим»<sup>1</sup>.

Хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт ва тараққиётига, шу билан бирга, миллий фаровонликка эришни йўлидаги ишлар самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу соҳанинг афзаллик томони мослашувчанлик, тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олиш хусусиятидир. Йирик компания миллион-миллион сўмлик маҳсулот чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз ёки бозор конъюнктураси ўзгариш сабабли сота олмай қўйиши мумкин. Кичик бизнес вакиллари бундай вазиятларда, табиийки, анча осон ечим топади. 1991 йилда кичик ва ўрта бизнес республика ялпи ички маҳсулотигаги улуши 1,5 %ни ташкил этган бўлса, 2004 йил ярим йиллигида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 29,1 фоизга етган. Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари 270,6 мингтани ташкил этди.

Албатта, давлатга қарамликда яшаб, онгига боқимандалик кайфияти қаттиқ ўрнашиб қолган одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотиш осон кечмайди. Ундан ташқари бозор инфратузилмасини яратиш, айниқса, хусусий тадбиркор ва кичик бизнесга хизмат килувчи омиллари шакллантириш муаммолари ҳали тўла ҳал этилмаганлиги ҳам бозор муносабатларини самарали олиб боришга сабаб бўлмоқда.

Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг ҳудудий ҳислатларига эътибор берилмаганлиги ҳамда бу ҳолат республикамиздаги моддий-техник ресурслар, табиий бойликлар ва маҳаллий кадрларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаслик муаммолари мавжудлиги билан

<sup>1</sup> Каримов И. А. Овд са обод Ватан, эриш ва фаровон ҳаёт – ширини мақсадимиз. Т.8.Т.: «Ўзбекистон», 2000. 339 б.

белгиланади. Турли хил мулк шакллариининг ўзаро алоқаси, уйғунлиги ва рақобат асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шаклланиши. хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожланиши илмий, назарий ва услубий ёндошувларнинг туб ўзгаришлари билан боғлиқ. Шу билан бирга ҳар бир тадбиркорлик фаолияти атроф-муҳитга таъсир этмасдан илжми йўқ. Айниқса, охириги даврда салбий таъсирлар ҳажми ва турлари кўпайгани билан ифодаланади. Шу сабабдан бизнинг диссертациямизда тадбиркорлик фаолиятини юритишда экологик талабларни инobatта олиш зарурлигини, манфаатларини мувофиқлаштиришда уларнинг ўрни, «Темир қонун» талабларини бажаришда рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш муҳимлигига алоҳида эътибор берилган. Республикамизнинг саноати ривожланган минтақаларда, жумладан, Фарғона иқтисодий минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шу билан бирга мавжуд маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш усулларига муносабат билдирилиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади деган фикрдамик ва бундай ёндошув мавзунинг хал қилиниш долзарблигини тасдиқлайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва бошқариш муаммоларини ўрганишда Р.Акофф, Л.Аллен, С.Т.Брю, Э.Ж.Долан, П.Друкер, Д.Линдсей, К.Р.Макконелл, М.Портер, К.Ховард, Л.Якокка каби қатор хорижий олимларнинг асарлари салмоқли мавқега эга. М.ДХ республикаларининг иқтисодчи-олимларидан ушбу мавзуга эътибор берганлардан В.Абчук, А.Асаул, Г.Краюхин, Ю.Осипов, В.Радаев, Р.Рюттенгер, А.Сидоров ва бошқалар рисоаларини келтириш мумкин. Республикамизда Ё.Абдуллаев, М.Икрамов, Г.Саматов, Б.Семёнов, М.Турсунхўжаев, А.Хаджимурадов, М.Шарифхўжаев, В.Шепелов, С.Фуломов, А.Ўлмасов, А.Қўқоров каби олимларимиз кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришнинг назарий-услубий томонларини ёритишда ўз ҳиссаларини қўйишган. Айни вақтда бозор муносабатлари шаклланаётган даврда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ташкил этишда худудий ҳислатлар, уларнинг табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши ва уни муҳофаза қилиш масалалари кам ўрганилганлиги ва ечимини топиш йўллари ушбу диссертация мавзусини танлашга сабаб бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Наманган мухандис-педагогика институтининг «Кичик бизнесни ташкил этиш муаммолари» давлат бюджет илмий дастури, Фарғона вилоятининг экология қўмитасининг 2010 йилгача ишлаб чиқилган дастури ҳамда Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлар режаларга мувофиқ равишда амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда унда экологик талабларни инobatта олиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ишда қўйидаги вазифалар аниқланди ва ечимини топди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ва уни бошқариш жараёнлари қонуниятларининг назарий асослари ўрганилди;
- мамлакатимизда ўрнатилган қонунлар ва ҳудудий ҳислатларга асосланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш механизми учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ишлаб чиқилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда уни бошқаришнинг чет эл тажрибалари таҳлил қилиниб, уларни республикамиз шароитига мослаштириш имкониятлари ўрганилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияси, муаммо ва истиқболларини аниқлаш, уларни ечимини топиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди;
- ҳўжалик субъектларининг фаолиятини таҳлил этишда SWOT- таҳлил услуби қўлланилди ва мулкнинг турли хил шаклдаги субъектларга тавсиялар ишлаб чиқилди;
- тадбиркорлик фаолиятида экологик вазифаларни бажариш модели ва табиатдан фойдаланишни иқтисодий мувофиқлаштирувчи механизм ишлаб чиқилди;
- бозор муносабатларига ўтиш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат сиёсатини амалга ошириш таклифлари ишлаб чиқилди.

#### **Илмий янгилиги:**

- «Хусусий тадбиркорлик» иқтисодий категориясининг мазмуни ва моҳияти аниқлаштирилди;
- ишлаб чиқилган, жумладан, экологик талаблар асосида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг таснифий белгилари тадқиқот қилинди ва гуруҳлаштирилди;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда экологик шароитни инобатга олиб, бошқариш ташкилий-иқтисодий механизми яратилди;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини баҳолаш учун илмий-услубий ёндошув ва танлов мезонлари ишлаб чиқилган;
- тадбиркорлик фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш янги услубиёти қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий-амалий таклифларидан фойдаланиш имкониятлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, минтақавий ҳислатларни инобатга олган ҳолда ҳудудни истиқболни белгилашда ва уни бошқаришни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация натижаларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятининг менежменти назарий томонларини тадқиқ қилишда ҳамда савдо-саноат палаталарида, олий ўқув юргларида «Менежмент», «Иновацион менежмент», «Стратегик менежмент», «Микроиқтисодиёт» фанларини ўқитишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда амалий фаолиятида қўллаш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари 2000 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: натижалари ва ислохотлар истиқболи» Халқаро анжуманида, Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институти, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ва Тошкент Давлат техника университети хузуридаги К.067.07.06. ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий моҳияти умумий ҳажми 3,0 б.т. бўлган 11 та илмий ишларда нашр этилган ва уларнинг рўйхати фойдаланилган адабиётларда келтирилган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

**Диссертациянинг кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усул ва услубияти, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

**«Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ўрни»** номли биринчи бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ва ўрни, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда уни бошқаришга ишлаб чиқилган экологик талаблар асосида таснифий белгилар тадқиқот қилинди ва гуруҳлаштирилди.

**«Тадбиркорлик фаолиятини экология талабларини инобатга олиш тизимини таҳлили»** номли иккинчи бобда ривожланган давлатлардаги тадбиркорлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тажрибаси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни шакллантириш босқичлари ва экологик муаммолар аниқланди, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда Фарғона иқтисодий минтақасидаги экологик хусусиятлар ўрганилди.

**«Экологик талабларни амалга оширувчи тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси»** номли учинчи бобда тадбиркорлик фаолиятида экологик вазифаларни бажариш модели ва иқтисодий мувофиқлаштириш механизми ишлаб чиқилди, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида муҳофаза қилишни иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

### 1. «Хусусий тадбиркорлик» иқтисодий категориясининг мазмуни ва моҳияти аниқлаштирилди.

Диссертацияда «Тадбиркор» ва «Тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ривожланишини қадимги юнонлардан тортиб ҳозирги кундаги Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ифода этилган шаклигача бир тизимга келтирилган ҳамда ушбу тизимли ёндошув ибораларини муаллиф томонидан ифодалашга асос бўлган.

**Хусусий тадбиркорлик деб** — ўзининг маблағи, таваккалчилиги ва масъулияти билан қонун доирасида фойда олиш учун амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятга айтилади. Бу фаолиятнинг олиб борилишида ижтимоий, жумладан, экологик масъулиятни англатиши жамият ва ҳудудий муаммоларни ҳал этишга муҳит яратади.

Хусусий тадбиркорнинг бошқа бизнес юритувчилардан ҳам фарқи шундаки, уларга нисбатан таваккалчилик ва қалтислик ҳолатида мулкдан айрилиш ёки уни кўпайтириш имкониятига эга. Шу сабабдан олдиндаги хавф-хатарни билган ҳолда бошқаларга нисбатан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Жамият учун ушбу фаолиятдан асосий наф ортиқча харажат қилмаган ҳолда аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун рақобат муҳитини яратилиши, маҳсулот ва хизмат сифатларини яхшилланиши, олдинга қўйилган мақсадларга эришишни оқилона йўлларини белгилаб олишдан иборатдир. Ижтимоий натижаларни (ишсизлик камайиши, муҳит, айниқса, мулкка бўлган муносабатнинг яхшилланиши ва ҳоказо) ҳам инобатга олсак, хусусий тадбиркорликка бўлган муносабат, уни қўллаб-қувватлаш механизминини яратилиши давлат учун асосий вазифалардан бўлиб қолиши керак бўлади.

Хусусий тадбиркорлик шундай иқтисодий фаолликки, унда бирламчи навбатда фикрлаш фаолияти ривожланиб, унинг асосида тадбиркорлик ғоя найдо бўлади ва кейинчаликки у моддийлашган шаклга айланади.

Умумий хулоса қилиб айтганда тадбиркорлик фаолияти асосан уч хил шаклда амалга оширилади:

- давлат миқёсида;
- жамоавий;
- хусусий.

Давлат тадбиркорлиги деганда, давлат томонидан ташкил этилган ва бошқарилиб боровчи ташкилотлар иқтисодий фаолияти тушинилади. Бу тоифага давлат корхоналаридан ташқари маҳаллий бошқарув ташкилотлари (вилоят, шаҳар, туманлар) ҳам киради.

**Жамоавий тадбиркорлик** шаклига бир мақсадга эришиш учун молиявий, ҳуқуқий, ташкилий вазифаларни бирлаштирган ташкилотлар киради. Уларга акциядор жамиятлар, ўртоқликлар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқаларнинг иқтисодий фаолияти мисол бўлиши мумкин.

**Хусусий тадбиркорлик** эса, ташкилот (агар корхона тариқасида рўйхатдан ўтган бўлса) ёки тадбиркор (якка тартибдаги, ёллаш ҳуқуқсиз) номидан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятга айтилади.

2. Ишлаб чиқилган, жумладан, экологик талаблар асосида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг таснифий белгилари тадқиқот қилинди ва гуруҳлаштирилди.

Улар қуйидагилардан иборат:

- тадбиркор ноаниқлик вазиятларда таваккалчилик қилиш хислатларига эга бўлишлик;
- бозор муҳитига мослашувчанлик;
- тадбиркорлик фаолияти социал масъулиятни инobatга олишлик;
- самарадорлик ва мажмуавийлик;
- ҳокимиятни ҳурмат қилишлик;
- софдил, ҳалоллик ва тўғри сўзлик;
- маблағга қараб ҳаёт кечиришлик;
- мақсадга интилувчанлик ва инсонни ҳурмат қилишлик;
- рақобат курашига доимий тайёр бўлишлик;
- ташқи самараларни инobatга олишлик.

1-жадвал \*)

Кичик ва йирик бизнесни таснифловчи белгилар, 2003 йил

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг ўртача миқдори	
	Кичик бизнес субъектида	Йирик бизнес субъектида
<b><u>Ликвидлик ва айланувчанлик коэффициентлари</u></b>		
Жорий ликвидлик	2.00	2.77
Дебиторлик қарзларининг айланувчанлиги	7.04	6.40
Заҳираларнинг айланувчанлиги	8.47	5.31
Асосий активларнинг айланувчанлиги	9.40	3.50
<b><u>Рентабеллик кўрсаткичлари</u></b>		
Соф фойда маржаси, %	10.91	9.20
<b><u>Маблағлар манбаини таркибий тузилиши кўрсаткичлари</u></b>		
Четдан жалб қилинган маблағларнинг улуши, %	49.00	38.06
Четдан жалб қилинган маблағларда жорий мажбуриятларнинг улуши, %	83.70	62.99
<b><u>Дивиденд сиёсатини таснифловчи кўрсаткичлар</u></b>		
Дивиденд тўлаш учун йўналтирилган соф фойданинг улуши, %	2.9	40.52

\*) Жадвал Республика Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ишлаб чиқилган талаблар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини йирик бизнесдан қуйидаги хислатлари бўлаётганларга ажратиш мумкин:

- маблағларга етишиш муаммосини мавжудлиги;



- кичик корхоналар дивидендлар даражасини максималлаштиришга ҳаракат қилмайди;
  - кичик корхоналарда таваккалчилик ва хавф-хатар даражаси жуда юқори;
  - ликвидлик даражаси кичик корхоналарда, йирик корхоналарга нисбатан анча паст.
- Ўрганиб чиқилган белгиларни жадвал шаклида келтириш мумкин (1-жадвалга қаранг).

### 3. Хусусий тадбиркорлик (антрапренер) ва ички тадбиркорлик (интрапренерлик)нинг ўзига хос белгилари

Америкалик тадқиқотчи Гиффорд Пиншо 1983 йили «Интрапренер» иборасини амалиётга киритган бўлиб, унинг фикрича интрапренерлик мавжуд корхона ичидаги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. «Антрапренер» ибораси эса янги корхона ташкил этувчи, кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритувчи шахсга тааллуқлидир.

Интрапренерлик фаолиятида асосан янгилик тадбиркорлик роълари олдинга сурилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун интракапитал (роъларни амалга ошириш учун зарурий маблағ) ресурси ажратилади ва роълари амалга ошириш ҳамда ундан фойдаланиш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Интрапренерлик ҳар бир инсоннинг мустақилликка, фойда олиш имкониятига, жамиятдаги мавқесини юксалтиришга қаратилган бўлсада, аммо ушбу фаолият ўрнатилган меъёрий ҳужжат, қоида, маданият асосида амалга оширилади. Социал масъулият, жумладан, экологик талабларга риоя қилиш ҳам асосан аниқланган бўлади ва уни бошқариш жараёни нисбатан осон кечади.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этилганда эса социал масъулиятни тўла ҳис қилиш борасида ташкилий ва иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиши лозимлигини ҳаёт ўзи кўрсатиб келмоқда. 2-жадвалда интрапренерлик ва антрапренерлик (хусусий тадбиркорлик) фаолиятларини SWOT-таҳлил услуби асосида солиштириш натижалари келтирилган.

Жадвалда келтирилган кучли ва заиф томонларга эътибор берганимизда, фаолият агар маблағ томонидан ютилса, эркинлик томонидан чегараланади ва аксинча, қийин ҳолатларда интрапренерлик таъсисчи — корхонанинг ёрдамини олиш имконияти бўлса, хусусий тадбиркор фақат оллоҳ каромати ва ўзининг кучига ишониш керак бўлади.

## Тадбиркорлик турларини таққослаш тавсифномаси

Интрапренерлик		Хусусий тадбиркорлик	
Кучли томони	Заифлиги	Кучли томони	Заифлиги
1. Шерик корхонанинг молиясидан фойдаланиш имконияти	1. Бюрократик ёндошув, тадбиркорлик ғоясини пайдо бўлиши ва амалга оширишдаги қийинчиликлар	1. Ўзининг ҳаракатидаги тўла эркинлик	1. Молиявий ва бошқа ресурсларнинг етишмаслиги
2. Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишда ташкилий-технологик қўмаклашиш	2. Интрапренерликнинг тадбиркорлик фаолиятини таъсисчи-ташкилот томонидан чегараланиши	2. Иштиёқнинг юқорилиги	2. Технологик, ташкилий муаммолар
3. Қийин ҳолатларда ёрдам олиш имконияти	3. Таъсисчи-ташкилотнинг манфаатини бирламчи навбатда инобатга олиниши	3. Олдинга қўйилган вазифаларни бажаришда бор имконият ва кучни максимал равишда ишга солиш	3. Қийин ҳолатларда ҳеч кимдан ёрдам ола олмаслик
4. Таъсисчи — корхонанинг маҳсулотни сотиш ва ҳаракатини ташкил этишда тадбиркорлик тузулмадан фойдаланиш	4. Таъсисчи — корхонанинг қисқа муддатли муваффақият орқасидан қувлаши	4. Танланган бозор ёки истеъмолчи билан муносабатда бўлиши	4. Инқирозга учраш хавфи юқорилиги
5. Тажриба, ишбилармонлик, маркетинг ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш	5. Ўрнатилган меъёрий ҳужжатлардан чиқиб кета олмаслиги	5. Ўзининг шахсий фазилатларига таяниши	5. Билим ва социал масъулият етишмаслиги

\*) муаллиф томонидан тадбиқ қилинган

#### 4. Тадбиркорлик фаолиятини юритишда экологик вазибаларни бажариш модели

Микроиқтисодий (корхона миқёсида) даражага қараганда, табиий муҳит сифатини иқтисодий оптимумининг макроиқтисодиёт хусусиятлари, яъни минтақавий (масалан, Фарғона водийсида) кўрсаткичларида экологик чиқимларни минимумга қандай эришилиши кам ўрганилган. Ундан ташқари хусусий тадбиркорларнинг фаолиятини атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши деярли бир механизмга солинмаган.

Қуйидаги келтирилган моделimiz динамик ривожланиш тариқасида олинган бўлиб, маҳсулот жамғариш ёки ишлаб чиқаришнинг минтақадаги ҳажмлари берилгандаги ифлосланиш чиқиндилари пайдо бўлишини ифодалайди. Бу моделда статистик ҳолатдан фарқли ҳолда, жамғарма фонддан асосий ишлаб чиқариш фондлари кенгайтириш учун ресурслар, ифлосланиш чиқимлар элементлари, истеъмол фондлари ажратилади.

Иқтисодий-экологик динамик моделининг дастлабки тенгламалари ва чегаравий шартларини ифодалаймиз:

$$\Phi^1 = u - \Delta^1 \Phi^1 \quad (1)$$

$$\Phi^2 = w - \Delta^2 \Phi^2 \quad (2)$$

$$(I - A)x - Ay - Bu - Bw - Cz - D = 0 \quad (3)$$

$$Ax - y - z = 0 \quad (4)$$

$$X_{(0)} \leq x \leq X(\Phi^1) \quad (5)$$

$$Y_{(0)} \leq y \leq Y(\Phi^2) \quad (6)$$

$$u \geq 0, w \geq 0, D \geq D_{(0)} \quad (7)$$

Бу ерда,

$x = (x^1, \dots, x^n)$  - тармоқларнинг ялпи маҳсулот вектори;

$y = (y^1, \dots, y^n)$  - тармоқларнинг ялпи чиқиндиларини зарарсизлантириш ҳажми вектори;

$z = (z^1, \dots, z^n)$  - табиий муҳитга ялпи чиқиндиларнинг тушиш ҳажми вектори;

$V = (V^1, \dots, V^n)$  - атроф-муҳит ифлосланишга кетган иқтисодий зарарни айиришдан ҳосил бўлган охириги фойдаланиш вектори;

$A = [a'_{ij}], i, j = 1, \dots, n$  - оралик истеъмол матрицаси;

$A = [a'_{ij}], i, j = 1, \dots, n$  - тармоқлар бир бирлик ялпи чиқиндисини зарарлантиришга кетган харажат матрицаси;

$C = [c'_{ij}], i, j = 1, \dots, n^i$  - тармоқдан табиий муҳитга тушган бир бирлик чиқинди тушиши натижасида  $i$  - тармоқнинг қўшимча харажатларидан ташкил топган иқтисодий зарар матрицаси.

$A = \text{diag}(a^1, \dots, a^n)$  - тармоқлардаги ялпи чиқиндилар технологик шаклланиш коэффициентлари матрицаси;

$p = \text{diag}(p^1, \dots, p^n)$  - тармоқлардаги бир бирлик чиқиндини охириги мумкин бўлган зарарлантириш технологик коэффициентлари матрицаси;

$\Phi^1 = (\Phi^1_1, \dots, \Phi^1_n)$  - тармоқлар асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажмининг вектори;

$\Phi^2 = (\Phi^2_1, \dots, \Phi^2_n)$  - тармоқларнинг тозалаш иншоатлари қувват вектори;

$u = (u_1, \dots, u_n)$  - тармоқлар асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсиш вектори;

$w = (w_1, \dots, w_n)$  - тармоқлар табиатни сақлаш фондларининг ўсиш вектори;

$D = (D_1, \dots, D_n)$  - охириги маҳсулот жамғаришнинг қолган элементлари вектори;

$X(\Phi^1)$  - маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш функциялари вектори;

$Y(\Phi^2)$  - чиқиндилар зарарлантиришнинг ишлаб чиқариш функциялари вектори;

$B = [b^i_j], i, j = 1, \dots, n$  - асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсишида инвестициялар таркибидаги тармоқлар улуши матрицаси;

$B = [b^i_j], i, j = 1, \dots, n$  - чиқиндилардан тозалаш учун асосий фондлар ўсишида инвестициялар таркибидаги тармоқлар улуши матрицаси;

$\Delta^1 = \text{diag}(\Delta^1_1, \dots, \Delta^1_n)$  - асосий ишлаб чиқариш фондларининг чиқиб кетиш коэффициентлари матрицаси;

$\Delta^2 = \text{diag}(\Delta^2_1, \dots, \Delta^2_n)$  - табиатни сақлаш асосий фондларининг чиқиб кетиш коэффициентлари матрицаси;

$X_{(0)} = (x^1_{(0)}, \dots, x^n_{(0)})$  - тармоқлар ялпи маҳсулотларнинг энг кам керак бўладиган вектори;

$D_{(0)} = (D^1_{(0)}, \dots, D^n_{(0)})$  - охириги маҳсулот жамғармаси таркибидаги бошқа элементларнинг энг кам керак бўладиган ҳажми вектори.

Қурилаётган моделларда ҳисоб ялпи чиқиндилар орқали олиб борилаётганлиги сабабли, дастлабки тармоқли технологик ишлаб чиқаришлар ёрдамида чиқиндилар пайдо бўлиши шакли ва алоҳида олинган тармоқда ингредиентлар бўйича чиқиндиларни зарарлантириш аниқланади.

Айтиб ўтилган тармоқли ишланмалар коэффициентлари тармоқларда мумкин бўлган зарарлантирилган чиқиндилар ҳажмини унга мос келувчи кўп мақсадли технологияларни қўлланиши ҳисобга олган ҳолда пайдо бўлиши мумкин бўлган башорат миқдорига бўлган нисбати кўринишида аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Умумий ҳолда

$$P' \leq 1, i = 1, \dots, n \quad (8)$$

кўрилган динамик моделларнинг статистик моделлардан фарқи, динамик моделда ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришнинг ўзгариши ҳисобига олинганлигидир.

Тадбиркорлик фаолиятида экологик вазифаларни бажариш модели ҳудудий муаммоларнинг устуворларини аниқлаш ва уларни тезкорлик билан ҳал этишга имконият яратади. Ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритувчи масъул шахс, айниқса экологик шароити оғир бўлган Фарғона иқтисодий минтақасида, фойда олиш йўлида мажмуавий ёндоқишни талаб қилади. Иқтисодиётнинг асосий талабларидан бири чегараланган ресурсларидан оқилона фойдаланиш, республика ва ҳудуднинг мавжуд аҳтиёжини инобатга олиш, ресурсларни тикланмаслигини инобатга олган ҳолда маҳсулот, хизмат ва фаолиятининг сифатий ҳолатини яхшилашни тақозо этади. Бу борада тадбиркорликни юритишда инновацион жараёнларга, ички ва ташқи инвестицияларни келтиришга, ақлий меҳнатдан унумли фойдаланишга эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

##### 5. Табиатдан фойдаланишни иқтисодий мувофиқлаштириш механизми

Ўзбекистон иқтисодиётидаги бўлиб ўтаётган структуравий (тузилмавий) ўзгаришлар, хусусий секторнинг ривожланиши табиий ресурслардан фойдаланиш савияси ва атроф-муҳитни ифлосланишига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини махсус экспертизалардан ўтказмаслик, атроф-муҳитга таъсири ёки чегараламчи ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг республикамизнинг нафақат иқтисодиётга, балки ижтимоий ривожланишига ҳам ақс таъсирини ўтказиб келмоқда. Автотранспорт ва авиациянинг ривожланиши билан охириги ўн йил ичида шаҳарларда уларнинг ташқи муҳитга чиқинди чиқариш улуши 30 дан 70 фоизни ташкил этмоқда. Унинг тақсимоли қуйидагини ташкил этган: бензинда ишлаётган автоуловлар (75%), самолётлар (5%), дизел двигателлар бор автоуловлар (4%), трактор ва қишлоқ хўжалик машиналар (4%), темир йўл ва сув транспорти (2%). Йирик шаҳарларда хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаётган автомашиналарни инобатга олсак улар умумий автопаркнинг камида 60% улушини ташкил этади. Демак, шахсий тадбиркорликни ташкил этганда, айниқса автомобил билан ташиш соҳасида, экологик талабларни инобатга олган кредитлаш ва солиқ тизими, социал масъулият ва бошқа омилларни инобатга олиниши зарур. Шу сабабли иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиниши мажмуавий ёндоқлиқ ҳолатида олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу вазифани амалга оширилиши эса табиатдан фойдаланишни иқтисодий мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқирилиши тақозо қилади.

Демак, ушбу механизми барпо этиш нафақат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг вазифаси бўлибгина қолмай, балки савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий ҳукуматнинг масъулиятида ётади деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори ресурсларни сақлаш ва кам чиқинди технологиялар, янги турдаги хизмат, тадбиркорлик фаолиятини жорий этишни иқтисодий услублар билан амалга оширилиши олдига қўйилган мақсадга эришиш учун асосий йўллардан бири бўлиб хизмат қилади.

1-расмда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмининг умумий кўриниши келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида, афсуски, корхоналар қиймати фақатгина йирик турлари билан баҳоланади, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эса на мезон, на талаблар ишлаб қилган. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш бўйича улуши эса умуман баҳоланмайди. Бундай ҳолатда, албатта уларнинг иқтисодийга қўшаётган ижобий улуши ва шу асосда уларга имтиёзлар яратиш имконияти муҳим ўрин тутади.

Кичик бизнес ва хусусий сектор субъектлари йирик корхоналарга нисбатан қалтислик даражаси билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир тадбиркорнинг келажаги унинг фаолиятининг муваффақияти ёки акси билан белгиланади. Ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган инвестициялар шахсий ёки кичик гуруҳ имконияти билан чегараланади, йирик корхоналарга ўхшаб акцияларини соғиб юбориш ёки ўзининг ишлаб чиқариш буюртмаларини ўзгартириш имкониятига эга эмас. Аммо таваккалчилик асосида фаолият кўрсатиш ва шу асосда қалтислик ҳамда хавф-хатар юқорилик пайтида сарфланган маблағни «Ўзини оқлайдими?» деган саволга жавоб бериш мушкулдир. Ваҳоланки, кичик бизнес хусусий секторнинг фаолият кўрсатиш бошланғич даврида кредит олиш ва уни қайтариш муаммоси қийин кечганлиги сабабли, давлат ёки бошқа жамоа ташкилотлари томонидан бу субъектларни қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқилишини тақозо этилади.

Экологик натижаларни яхшилаш борасида ҳар бир тадбиркорлик юритиш субъекти учун халқаро стандартлари (ISO-14000)га мувофиқ талаблар ишлаб чиқилиши лозим. Бу талабларни экологик натижаларни баҳолаш матрицаси орқали ифодалаш мумкин (3-жадвалга қаранг).


3 – жадвал \*)

### Экологик натижаларни баҳолаш матрицаси

	Ички кўрсаткичлар	Ташқи кўрсаткичлар
Жараённинг ўлчовлари	Ташкилий тизимлар (аудит, экологик хизмат миқдори, корхона ёки тадбиркор миссияси ва бошқалар)	Истеъмолчи ва ёлланувчи ходимлар билан муносабатлар
Натижаларнинг ўлчовлари	Мувофиқлаштирувчи талабларга риоя қилиш (экологик стандартлар, чиқиндилар хажми, ифлосланиш меъёрлари ва бошқалар)	Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши (статистик ҳисоботларга киритилиш зарурати)

\*) муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Давлат сўёсаги ва бизнеснинг инфратузилмаси



1 — расм.\* ) Кичик бизнесни қўллаш тизими.

\* ) муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

### 3. ХУЛОСА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, атроф-муҳитга таъсири ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнини тадқиқот қилган ҳолда қуйидаги хулоса ва тавсияларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини юритувчи, мамлакатнинг иқтисодиётдаги ислохотларини амалга оширувчи бўлиб тадбиркор ҳисобланиб, у алоҳида шахс, ёки маълум мақсадга эришиш борасида бирлашган шахслар гуруҳидан иборат бўлади. Тадбиркорлик фаолияти асосида шахсий манфаатдорлик ётган бўлиб, аммо шу билан бирга «Темир қонун»нинг асосий талаблари амалга ошган ҳолатда республика ва унинг минтақаларидаги иқтисодий ўсишни ҳамда рақобат муҳити шароитида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, бозордаги мавжуд эҳтиёжларни қондиришни, янги иш жойларини барпо этиш ва янги техника-технологияларни жорий этишга ҳаракат қилади.
2. Тадбиркорлик фаолиятининг пировард натижалари нафақат тайёр маҳсулот ёки хизмат билан ўлчанади, балки жамият олдидаги социал масъулиятни бажарилиши орқали иқтисодий муҳитни ҳам ўзгартиради. Тадбиркорлик, айниқса хусусий секторнинг ривожланиши мулкдорлик ҳиссини шакллантириб, ресурсларга бўлган муносабатни ўзгартиради, жамиятдаги тараққиётни белгилайди.
3. Янгидан-янги фаолият, эҳтиёжни қондиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ҳамда юксак рақобат шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳисобидан амалга ошади. Ноаниқлик ва қалтислик шароитида тадбиркорлик ҳаракати асосий ислохотчи ва инновацион жараёнларни олиб борувчи куч тариқасида ифодаланadi. Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнини ҳам асосий фаол сектор тариқасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тез ва мақсадли амалга оширади.
4. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир минтақанинг хусусиятини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш керак. Масалан, Фарғона иқтисодий минтақасида экологик ва социал ҳолатини танглигини инобатга олган ҳолда давлат ва маҳаллий ташкилотлари томонидан рағбатлантириш механизми ишлаб чиқирилиши долзарб муаммолардан ҳисобланиб, амалга оширган илмий тадқиқот ишларимиз ушбу муаммоларнинг бир қисмини ечимга олиб келади деб ҳисоблаймиз.
5. Тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш, атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, заҳарли чиқиндиларни ўз жойида йўқотиш ва сақлаш тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳар бир вилоят ва туманларда товарлар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси иштироқида йиллик фаолият якуни бўйича экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар кўригини ўтказиш ва уларнинг фаолиятини тарғибот қилиш зарур.



6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикасида бир нечта босқичдан ўтган. Агарда бошлангич даврда – 90 йиллар бошларида савдо-сотиқ ва воситачилик жараёнида кўп субъектлар фаолият қилган бўлса, ҳозирги кунда ишлаб чиқариш ва илм соҳасида кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишини кузатиш мумкин.
7. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш даврида интрапренерлик фаолияти ривожланаётгани, кичик корхоналар ўсиш натижасида йирик корхоналарга айланиш жараёнини кузатиш мумкин. Айниқса илмий изланиш ва тадқиқот соҳасида венчур корхоналарини ўрнини юксалиши, тайёр маҳсулотда илмий салоҳиятини ўсиши билан белгиланади.
8. Кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланиши маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланишни, импорт маҳсулот ва қўшимча қисмларни ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқишни амалга ошириш имкониятини яратади. Масалан, автомобил саноатини ривожлантиришда маҳаллий корхоналарнинг ривожланиши маҳсулотнинг таннархини пасайиши ва унинг сифатини оширишга олиб келади. Энг муҳими қўникмаларнинг ҳосил бўлиши ишлаб чиқариш маданиятини шаклланиши ва ўсишини таъминлайди.
9. Ўзбекистон Республикасидаги бўлиб ўтаётган иқтисодий ислохотларнинг асосида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналарни хусусийлаштириш ва шу воситасида замонавий тадбиркорлар синфини шакллантириш муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада қонуний ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ҳудуд ва иқтисодий минтақаларнинг хусусиятини инобатга олиш зарур.
10. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган қонун, фармон ва вилоятлардаги ҳокимият ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар, кредит олиш бўйича имтиёзлар, солиқ ва бошқа иқтисодий омиллардан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилган. Аммо уларнинг қўзланган самарага эриша олмаётганлиги ушбу тадбирларни мажмуавий олиб борилмаётганидан, меъерий ҳужжатларни ҳар хил талқин қилинишидан, тарғибот ишларини етарли равишда олиб борилмаслигидан далолат беради.
11. Давлат томонидан ислохотларни олиб боришдаги етакчилик принципи асосида монопод корхоналарга қарши қонун ва меъерларни ишлаштини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий сектор фаолиятини атроф-муҳитга таъсирини назорат қилган шароитда қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритиш муҳим ўрин эгаллайди.
12. Қалтислик ҳолатларининг акс ёки қутилмаган натижаларини олдини олиш учун суғурта фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятидаги кафолатларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш зарурдир. Бунинг учун давлат ва нодавлат суғурталаш компанияларни ривожлантириш керак. Бугун дунёдаги глобаллашув жараёнини инобатга олган ҳолда атроф-муҳитга таъсирни ҳам иқтисодий, ташкилий, социал томондан мувофиқлаштириш зарурдир.

#### 4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎХАТИ :

1. Ахунова Ш.Н. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш омиллари. – Т.: 2000, 144-145 б.
2. Ахунова Ш.Н., Икрамов М.А. Кичик бизнесни шакллантириш муаммолари. Самарақанд, СамДУ, 2000, 9-10 б.
3. Ахунова Ш.Н., Туйчиев И. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик самаралар ва муаммолар. Фарғона, ФарДУ, 2000, 84-87 б.
4. Ахунова Ш.Н., Икрамов М.А. Иқтисодийёт соҳалари мутахассислари малакасини оширишни ташкил қилиш хусусиятлари. Андижон, АндМИИ, 2001, 203-206 б.
5. Ахунова Ш.Н., Икрамов М.А., Икрамов М.М. Система планирования предпринимательской деятельности. // «Автомобил ва йўллар халқаро илмий-амалий анжумани», ТАЙИ, 2002, 91-93 б.
6. Ахунова Ш.Н., Икрамов М.А., Веселков Ф. О проблемах обучения экономистов творческому труду. // Вестник экономики Узбекистана, № 11-12, 2000, 2-11 б.
7. Ахунова Ш.Н., Исмоилов Р. Қишлоқда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожланиш муаммолари.// Бозор, пул ва кредит, № 12, 2000, 64-65 б.
8. Ахунова Ш.Н. Тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришда экологик талабларни инобатга олиш. // Бозор, пул ва кредит, № 1, 2004, 56-58 б.
9. Ахунова Ш.Н. Асосий негиз. // Солиқ тўловчининг журнали - Т.: № 11, 2001, 42-43 б.
10. Ахунова Ш.Н. Организация планирования предпринимательской деятельности. // М., ВИНТИ депонирована, №544-В 2003, 27.03.03.
11. Ахунова Ш.Н., Икрамов М.А., Ярмухамедов Ш. К вопросам устойчивого эколого-экономического развития Узбекистана. // Межвузовский сборник «Экономика и управление производством», СПб.: СПб СЗГЭУ, 2003, 109-112 с.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ш.Н. Ахунованинг  
08.00.04 – «Микроиқтисодиёт» ихтисослиги бўйича «Тадбиркорлик  
фаолиятини шакллантиришда экологик талабларни инобатга олиш  
механизми» мавзусидаги диссертациясининг

## Р Е З Ю М Е С И

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** тадбиркорлик фаолияти, экологик талаблар, антрапренер, интрапренер, социал масъулият ва экологияга таъсири.

**Тадқиқот объектлари:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори ва улар фаолиятининг атроф-муҳит билан боғлиқлиги.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни бошқаришда экологик талабларни инобатга олиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усули:** тадқиқот жараёнида, иқтисодий статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эксперт каби усуллари қўлланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги :** «Хусусий тадбиркорлик» иқтисодий категориясининг мазмуни ва моҳияти аниқлаштирилди; ишлаб чиқилган, жумладан, экологик талаблар асосида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг таснифий белгилари тадқиқот қилинди ва гуруҳлаштирилди; кичик бизнес ва тадбиркорликни экологик шароитни инобатга олиб, бошқарув ташкилий-иқтисодий механизми яратилди; кичик бизнес субъектлари фаолиятини баҳолаш учун илмий-услубий ёндошув ва танлов мезонлари ишлаб чиқилди; тадбиркорлик фаолиятида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш янги услубиети қўлланилди.

Диссертация натижаларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятининг менежменти назарий томонларини талқин қилишда ҳамда савдо саноат палаталари амалий фаолиятида қўллаш мумкин.

**Амалий аҳамияти:** Ишнинг илмий-амалий тақлифларидан фойдаланиш имкониятлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, минтақавий ҳислатларни инобатга олган ҳолда ҳудудни истиқболни белгилашда ва уни бошқаришни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** ишнинг натижалари савдо-саноат палатасида қўллашга қабул қилинган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Тармоқлараро даражада.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Ахуновой Шахисты Номаджановны на тему: «Механизм, учитывающий экологические требования при формировании предпринимательской деятельности» - на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Микроэкономика»**

**Ключевые слова:** предпринимательская деятельность, экологические требования, антрапренер, интрапренер, окружающая среда, экологическое давление и социальная ответственность.

**Объект исследования:** Сектор малого бизнеса и частного предпринимательства и его взаимосвязь с окружающей средой.

**Цель работы:** Разработка научно-обоснованных рекомендаций по совершенствованию организационно-экономических механизмов управления частным предпринимательством и малым бизнесом, с учетом их влияния на окружающую среду.

**Метод исследования:** экономико-статистический, монографический и сравнительный анализ, экспертные оценки, и др.

**Полученные результаты и их новизна:** конкретизированы понятие и функции частного предпринимательства, как экономической категории; разработаны требования формирования малого бизнеса и предпринимательства с учетом экологических условий, проведена их классификация; разработан механизм организационно-экономического управления малого бизнеса и частного предпринимательства с учетом экологических условий; разработано научное обоснование выбора критериев оценки деятельности субъектов малого бизнеса; разработана методика экономической оценки предпринимательской деятельности, учитывающей охрану окружающей среды.

Основные выводы диссертации можно использовать в деятельности палаты товаропроизводителей и предпринимателей, а также при изучении теории менеджмента малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Практическая значимость:** Основные научно-практические рекомендации диссертационной работы можно использовать при осуществлении программы развития малого бизнеса и частного предпринимательства, определении перспективы развития экономического региона, с учетом местных и экологических особенностей.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Основные результаты исследования диссертации использованы в деятельности палаты торгово-промышленности, а также в учебном процессе вузов.

**Область применения:** Межотраслевая.

## RESUME

**Thesis of Akhunova Shahista Nomanjanovna on the scientific degree  
com petition of the candidate of sciences in 08.00.04 speciality Micro-  
economics subject: « Mechanism taking into account acceptances ecological  
requirements at formation of enterprise activity»**

**Key words:** business activity, small business, ecological requirements, internal, external factor, antrapreneur, intrapreneur, environment, water pollution, air pollution, nature protection, economic stimulation.

**Subject of the inquiry:** Small business and private business sector and its connection with environment.

**Aim of the inquiry:** working out scientifically-based recommendations on organizational - economical mechanism management perfection, by private and small business with taking into consideration their influence to environment.

**Method of inquiry:** economical-statistical, comparative analysis, expert evaluation, etc.

**The results achieved and their novelty:** concretized concept and functions of private business, as economic category; worked out requirements of forming consideration ecological conditions, so held their classification; worked out mechanism of organizational-economic management of small and private business with taking into account ecological conditions; worked out scientific base of choosing evaluation criteria of activity small business subjects; worked out methodology of economic evaluation of business activity which takes into consideration environment protection.

Main conclusions of dissertation can be used in activity of businessmen and producers chamber, so while developing management theory of small and private business.

**Practical value:** the Basic scientific - practical recommendations of dissertational work can be used at realization of the program of development of small business and private business, at definition of prospect of development of ecological region in view of local features.

**Degree of embed and economic efficiency:** the Basic results of research of the dissertation are used in activity of chamber of commodity producers and businesses and in educational process of high schools.

**Scope:** At a level of branches.

Сонскатель:



Босишга рухсат этилди 27.10.2004 й. Бичими 60x84 1/16.  
Шартли босма табағи 1. Нусхаси 100 дона. Буюртма № 621.  
ТДТУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Талабалар кўчаси 54.